



Маҳалла

ЧОРШАНБА

2014 йил 19 февраль,
№16 (983)

www.mahallagzt.uz info@mahallagzt.uz

ҚОНУН ЛОЙИХАСИ — МУҲОКАМАДА

Муқаммал ҳуқуқий асос — самарали фаолият омили

Кучли фуқаролик жамиятининг асоси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда уларнинг қонуний манфаатлари таъминланишидан иборатдир. Бу борада жамоатчилик назоратининг ўрнатилиши эса жамиятда адолат, мурося, тенглик ва масъулиятнинг қарор топишида муҳим воситадир.

■ **Толибжон НИЗОМОВ**
«Mahalla»



Президентимиз томонидан илгари сурилган Концепцияда билдирилган ҳаёт асосида ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонун лойиҳаси жойларда қизгин муҳокама қилиниб, асосли таклифлар билдирилмоқда. Пойтахтимиздаги нодовлат но-тижорат ташкилотлар, хусусан, «Маҳалла» хайрия жамоат фон-

дининг бўлим ва бўлимлари ҳамда шаҳардаги мавжуд 475 та фуқаролар йиғини ходимлари ҳам лойиҳа жараёнида ўзларининг фикрлари билан фаол иштирок этмоқдалар.

— Қонун лойиҳасининг биринчи моддасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар давлат органлари тизимининг асосий қисми бўлганлиги сабабли уларни алоҳида ажратиб кўрсатишга ҳоҷат йўқ, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви раиси Жавдат Иноғомов. — Шунингдек, 5-моддада жамоатчилик назорати принципларини кенгайтириб, улар сафига «шахснинг дахлдорлиги» ва «объективлик» тамойилни қўшиш мақсадга мувофиқдир. Лойиҳанинг 12-моддасидаги жамоатчилик назорати шакллари рўйхатида 21-моддадан келиб чиқиб, «жамоатчилик эшитиш» киритилса, унинг янада сермазмун ва кўп қиррали бўлишини таъминлайди.

> [2]

ФАОЛЛАР ҲУҚУВИ

Машғулотлар ваколат ва вазифалар кўламига мос

Муҳтарам Президентимизнинг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакаларини ошириш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори шубҳасиз маҳалла институтини ташкилий, маънавий-маърифий ҳамда услубий фаолиятини тубдан яхшилаш борасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг узвий давоми бўлди.

■ **Абдулмуҳаммад АБДУЛЛАЕВ**
«Mahalla»

Ушбу қарор қабул қилиниши билан Андижон вилоятида унинг ижроси юзасидан қатор чора-тадбирлар белгиланди. Вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти биносидан ўқув-курслари учун 4 та алоҳида хона ажратилди. Улар замонавий технология, махсус восита ва зарур жиҳозлар билан таъминланди. Шунингдек, курс дирекцияси, ўқув-методик ва ташкилий масалалар бўлими шакллантирилди.

— Биз ҳозирнинг ўзидаёқ ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқдик, — дейди ўқув-курслари раҳбари Муҳаммадjon Иўлдошев. — Бу масалада бизга вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, Андижон давлат университети, фуқа-

ролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Андижон вилояти ҳудудий бўлими ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими раҳбарияти яқиндан ёрдам берапти. Машғулотларга тизимга оид соҳалардаги таниқли олим ва амалиётчилар жалб этилган.

Ўқув-курслари дирекцияси ўз фаолиятини Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 14 декабрдаги қарори билан тасдиқланган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини оширишнинг ташкилий тузилмаси ва тизими тўғрисида»ги Низом асосида олиб боради. 36 соатга мўлжалланган ўқув режаси билан танишиш асосида шунга амин бўлдики, тингловчилар нафакат назорий, айна чоғда амалиёт янгиликлари билан ҳам танишиб борадилар. Ҳар бир гуруҳ Низом асосида 22-25 нафар тингловчидан иборат бўлади.

> [2]

НУРОНИЙЛАР — ТАРҒИБОТДА ЕТАКЧИ КУЧ



Кексалари бор хонадон фариштали бўлади

Аҳлиҳаётда ҳикмат кўп. Ана шу ҳамжиҳатлик ва яқдиллик муваффақиятлар омили бўлиб хизмат қилаётганини пойтахтимизнинг Шайхонтохур туманидаги «Ипакчи» маҳалласи мисолида яққол кўриш мумкин.

■ **Фарҳод ЭСОНОВ**
«Mahalla»

Худудда яхши бир анъана бор: фуқаролар ўзибиларчилиги билан иш кўришмайди. Бирор тadbир ёки

юмушни амалга оширишдан олдин, албатта, маҳалла мутасаддилари билан маслаҳатлашади. Йиғин фаолларининг айтишича, фойз-барака, ҳамжиҳатлик устунлигининг бош омили маҳалла қошидаги нуронийлар кенгаши билан ўрнатилган мустаҳкам ҳамкорликда.

> [4]

МИЛЛИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИК

Каштадаги ёрқин ранглар — қалбнинг кўри, кўзнинг нури



Кашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманидаги Мўминобод қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда яшовчи хотин-қизларнинг деярли барчаси каштачилик билан шуғулланади. Момомерос хунари кенг ёйилишида Шаҳрисабз ироқи каштачилик мақтаби давомсиса каштадўз Юлдуз Мамадиёвнинг ҳиссаси катта.

■ **Санобар БОЙМУРОДОВА**
«Mahalla»

Умактабда француз тилидан дарс бериб юрган қорларда Францияда малака оширишга йўлланма беришди. Чет элликлар унинг миллий нақшлар билан замонавий руҳ уйғунлигида яратган либосларига катта қизиқиш билдиришди. Бундан ташқирлаб, унда ироқи каштачиликни ривожлантириш фикри туғилди ва хунарирларни ўрганди.

Дастлаб Бухоро, Самарқанд, Хоразм каштачилик мактаби фаолияти билан танишди. Кейин уйда бекор ўтирган 10 нафар оёғ билан иш бошлади. Бугунги кунда уларнинг сони 70 нафарга етди. Тошкентда ўтказилган хунармандалар кўргазмаларида ҳам иштирок этиб, юксак эътирофларга сазовор бўлган, бу хунарирлар олам, деганларнинг сафи янада кенгайди. Энди улар турли нақшларни жойланиш, ҳамён ҳамда либосларга туширмоқдалар.

> [3]

ҚОНУН ИЖРОСИ

Тарбия — ҳар доим долзарб ва барча масъул

«Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур, қудратли юртнинг фарзандлари соғлом бўлур». Бу ҳақиқатни бугун жаҳон ареналарида, халқаро олимпиадалар ва турли нуфузли мусобақаларда зафар қучаётган, ўзбек фарзандларининг ҳеч қимдан кам эмаслигини намойён этган ўғил-қизлар мисолида яққол кўриш мумкин.

■ **Юлдуз ҲОЖИЕВА**
«Mahalla»

Шу боис келажак авлод вакилларининг пухта билим олиши, муносабат тарбияланиши, бўш вақтларини мазмунли ўтказишига кўмаклашиш нафакат тегишли давлат муассасалари, бал-

файрижтимоий ҳатти-ҳаракатлар содир этишига имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлашда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Юртимиз маҳаллаларида ҳам ушбу қонун ижросини тўлиқ таъминлаш, ҳуқуқбузарликларни бартараф этишга қаратилган, яқка тартибдаги профилактика ишлари ҳамда биргалликда амалга ошириладиган ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий ва бошқа чора-тадбирлар тизими йўлга қўйилган. Бунда фуқаролар йиғинларига «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг амалий-услубий ёрдамлари қўл келаётир.



> [2]

УЧРАШУВ

Ёшлар келажакига эътибор

Самарқанд шаҳрида Президентимиз Ислам Каримовнинг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш доирасида «Иқтидорли ёшлар — қудратли мамлакат таянчи» мавзусида учрашув бўлиб ўтди.

■ **Абдураҳмон САТТОРОВ**
«Mahalla»

Вилоят ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳудудий бўлими кенгаши ҳамда Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ҳамкорлигида ташкил этилган тадбир фаол ёшлар билан мулоқот тарзида уюштирилди.

Иштирокчилар учун меҳнат қонунчилиги, банк хизматлари ва юридик маслаҳат бурчаклари ташкил этилиб, битирувчиларга «Бизнес билан шуғуллан» тамойили асосида имтиёзли кредитлар ажратиш, тадбиркорликда тўғри йўлни танлаш бўйича мутахассислар томонидан кўрсатмалар берилди.

— Бандликка кўмаклашиш бўйича виллоятда амалга оширилоётган ислоҳотлар ва эришилган ютуқлар оқс эътирилган видеороликлар ёшларда катта таассурот қолдирди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Самарқанд вилояти бўлими масъул котиби Абдураҳмон Сатторов. — Учрашувда виллоятнинг турли ҳудудларидан ташриф буюрган ёшлар санноат, қурилиш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳалари, қишлоқ ҳўжалиги, оилавий тадбиркорлик бўйича тақдиротларини намойиш этдилар.

Тадбир доирасида ўттиз нафар коллеж битирувчисининг ота-онасига фарзанди коллежини тамомлаганидан сўнг ишга жойлашиш кафолатини беришни сертификатлар топширилди.

Тадбирда Самарқанд вилояти ҳокими З.Мирзаев сўзга чиқди.

ҲАШАР — ЭЛГА ЯРАШАР

Аҳоли фаол иштирок этди

Жорий йилнинг 15-16 март кунлари пойтахтимизда умумишаҳар ҳашари уюштирилди. Ундан қўзланган асосий мақсад шаҳар кўчаларини қор ва муз қолдиқларидан тозалашдан иборат бўлди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг фармойишига биноан уюштирилган ушбу тадбирда, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қорхона ва ташкилотлар вакиллари, айниқса, фуқаролар йиғинлари ходимлари фаол иштирок этдилар.

— Февраль ойи бошида об-ҳавонинг кескин ўзгариши ҳамда кучли қор ёғиши аҳолига бирмунча ноқулайликлар туғдирди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими бош мутахассиси Камолитдин Юсупов. — Пойтахтимиздаги мавжуд 475 та фуқаролар йиғини фаоллари ҳамда 180 минг нафардан зиёд аҳоли ёрдамида 63 та марказий кўча ҳамда мингдан зиёд ички йўллар, кўп қаватли бинолар ва ховлилар атрофлари қор уюмларидан тозаланиб, музларнинг тезроқ эриши учун зарур чоралар кўрилди.

Ҳашар давомида чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш учун қўшимча транспорт воситалари жалб этилди.

ФОНД КўМАГИДА

Эзгу амал давомийлик касб этган

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Қорақалпоғистон Республикаси бўлими ва барча туман(шаҳар) бўлимлари томонидан аҳолининг эҳтиёжман қатламларини аниқ манзилли ҳамда тизимли қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

■ **Т.НИЗОМОВ**
«Mahalla»

Фонднинг Эллиқалъа тумани бўлими томонидан аҳолининг муносабатларини инobatта олиб, эҳтиёжман оилалар рўйхати шакллантирилди ҳамда уларга ҳуқуқий-меъёрий хўжжатлар асосида муносабат моддий ёрдамлар кўрсатилмоқда.

Ҳар қандай савоб иш довомийлиги билан муҳим аҳамиятга эга. Шунини инobatта

олган Фонд мутасаддилари Обод турмуш йилида олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган ногирон ҳамда чин етим талабаларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадига уларга ўқув-шартнома пуллари тўлаб беришди. Туманнинг Тозабоб овул фуқаролар йиғинида яшовчи Яхшигул Беглиева Нукус давлат педагогика институтида таълим олади. Шартнома пулининг маълум қисми бўлими томонидан қоплангани учун у тизим ходимларидан миннатдор.

> [2]



НУРОНИЙЛАР — ТАРҒИБОТДА ЕТАКЧИ КУЧ

Кексалари бор хонадон фариштали бўлади



< [1]

Авалло, ўзларига қарашли хонадонлар, қолаверса, кўни-кўшни, маҳалла-кўйдаги оилаларнинг тотувлиги, ободлиги, файзли, фариштали бўлишида мустақиллик тўғрисида умр кўшилган кексаларимизнинг ҳиссалари катта. «Қариси бор унинг париси бор», деган ҳикмат бежиз айтилмаган.

Ҳақ гап. Турмушнинг аччиқ-чучу-

гини татиган отахону онахонлар ўзларининг ибратли ишлари, ҳаёт йўллари билан ёшлар тарбиясидек мураккаб ишда муносиб ҳисса қўшиб келишмоқда. Яқинда мазкур маҳаллада ташкил этилган «Икки авлод учрашуви»да бу ўзининг яна бир бор исботини топди.

Нуронийлар кенгаши ҳамкорлигида уюштирилган ушбу тадбирда катта тажрибага эга инсонлар бугунги дорилмомон кўнларнинг қадрига етиш,

ёшларга яратилётган шароитлардан оқилона фойдаланиш, мамлакатимиз истиқлолини янада мустаҳкамлашга муносиб улуғ қўшни ҳар бир йигит-қизнинг Ватан олдидаги муқаддас бурчи эканини ҳаётий мисоллар орқали тушунириб беришди.

— Маҳалла ҳар доим тарбия маскани сифатида қадрланиб келган, — дейди Манзура Мелиқўзиёва. — Айниқса, ёшларни тўғри йўлга бошлаш, уларга яхши тарбия бе-

ришда мазкур гўшанинг ўрни бекиёс. Бу ишлар нафақат ўқитувчиларнинг, маҳалла оқсоқоли ёки маслаҳатчиларнинг, балки нуронийларнинг ҳам вазифаси. Ахир, ёшлар — эртаимиз ворислари. Улар биздан ибрат олиб улғайишди.

Нуронийлар кенгашида маҳалла ободлиги, аҳоли манфаати йўлида амалга оширилиши лозим бўлган ишларда талабчан, оқила ва қаттиққўл отахону кайвони онахонлар жам бўлишган. Сўхбат асосида уларнинг ҳаёт моҳиятини нақадар теран англашларини, катта ҳаётий тажрибага эгалиklarини, қолаверса, ёшлар келажоғи учун астойдил жон куйдиришларини ҳис қиласиз.

Маҳаллани янада ободонлаштиришда улар ҳам тинмай изланмоқда. Ҳафтанинг ҳар шанба кўни ҳамма бирдек ҳашарга чиқади. Кўчаю хиёбонлар, ариқлар тазаланadi. Қаровсиз ётган жойлар тортбга келтирилади. Бундан ташқари, аҳоли тураржойлардаги ободонлаштириш ва санитария ҳолатини яхшилаш, фуқаролар масъулиятини ошириш мақсадида «Энг намунали хонадон», «Энг саранжом хонадон соҳиб», «Остонаси гулзор хонадон — фариштали хонадон» каби танловларни ташкил қилиш аънаънага айланган. Бу ишларда, албатта, кексалар ибрат кўрсатишаётир.

БОЛАЛАР СПОРТИ

Мажмуа
янгича кўринишда

Жиззах вилояти Арнасой туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг биноси тўлиқ қайта реконструкция қилинди. Бу ишларга Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 1 миллиард 751 миллион сўм маблағ сарфланди.

■ Нилуфар ЮНУСОВА
«Mahalla»

Иншоотни таъмирлаш жараёнида мавжуд бинога қўшимча замонавий спорт зали ва бошқа ёрдамчи хоналар қурилди. Илгари спортнинг беш тури бўйича машғулотлар ўтказилган бўлса, эндиликда 500 нафар ўғил-қиз саккизта тўғаракка қатнашмоқда. Шулардан 158 нафари киз-

лар. Мактаб тарбияланувчилари эришадиган натижалар ҳам йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда.

Утган йилнинг ўзида самбо, кураш, дзюдо, волейбол бўйича ўтказилган вилоят мусобақаларида 23 та олтин, 6 та кумуш ва 45 та бронза медаль қўлга киритилди. Спорт мактабининг янги биноси фойдаланишга топширилиши нафақат мактаб жамоаси, балки атрофдаги маҳаллалар аҳлини ҳам мамнун этди.

НАЗМ

Маҳалла



■ Бобонор НОРТОЖИЕВ,
Навоий шаҳар «Турон»
маҳалласи фаоли.

Маҳалла бекиёс, улуг маскандир,
Ватанинг бағрида Ватан шубҳасиз.
Ота ибратию она меҳридан,
Баҳраманд ўсумқда бунда ўғил-қиз.

Ҳар бир хонадонда эзгулик нури,
Қалларда уйғотар умидбахш ғоя.
Маҳалла — тарбия ўчоғи эрур,
Огоҳлик, тартибга этар ривоя.

Тўю тадбирларнинг файзи бошқача,
Турмуш гўзаллиғи сўзлар нар дилдан.

Ёлғизлар, кексалар иззат-ҳурматда,
Диллари шодондир ўтган ҳар кундан.

Маҳалла чиройи барча кўнгида,
Хайрли ишларда ҳамкор инсонлар.
Қалбларни тарк этмас яхши фазилат,
Шул сабаб мазмунли ўтар ҳар кунлар.

Маҳалла таянчи — умидли ёшлар,
Илму ҳунар учун эрур кўнучак.
Ғолиблик байроғин кўтарган чоғи,
Фахр этарлар — маҳалла буюк беланчак.

Маҳалла ободдир, турмуш фаровон,
Не элар ҳаваси ортмоқда шаксиз.
Маҳалла саналур улуг Ватанда,
Меҳру оқибатга маскан, шубҳасиз.

ГУЗАРДАГИ ГУРУНГЛАР

Тўй тўйдек бўлдию аммо...



Ён қўшимиз Иномжон аканикига тўйга ай-
тишди. Кечқурун сабзи тўғрар, наҳорда ош экан.
Девор-дармиён бўлгани учун ҳар икки йўриғига чи-
қиб турдим.

■ Жамшид БЕК
«Mahalla»

Шомда эркак-хотин аралаш салкам уч юз одам йиғилди. Собзи тўғрар учун ёнимда олиб чиққан пичоқни кинидан сугуришга ҳожат қолмади. Сабаби, кейинги вақтларда ош сабзисини қовлардодир буюртмага тўғратиб келиш урф бўлибди. Лекин тарки одат амримасал, маросим йўқолмабди. Катта қозонда шовла пиширилиб, элга тортилди. Тонгда ҳам беш юздан ортик меҳмон келиб кетди.

Дарвоза олдида қўл қовуштириб тургандик, маҳалла оқсоқолларидан бири — Нурмамат отанинг тўй эгаси билан сўхбати қўлоғимга қалинди:
— Иномжон, тўйлар қўлқў бўлсин. Набирани хатна қилдирысанми?
— Йўғ, отахон, набира ҳали

кичкина. Кенжа қизимни узатяпман.

Қария бошини сарак-сарак қилиб, чиқиб кетди. Беихтиёр йўланиб қолдим. Дорхўқот, авваллари ўғил болаларнинг хатна тўйида юртга ош бериларди. Никоҳ тўйлари эса кўни-кўшни, қариндош-уруғларнинг иштирокида, ортикча дабдабасиз ўтарди. Ҳозир эса...

Иномжон аканинг уч йил ичида учинчи тўй қилиши. Дастлаб тўнчиқизини турмушга узатди. Кейин ёлғиз ўғлини уйлади. Энди навбат супрақоқдига. Ҳар уччала тўйда ҳам шундай харажат. Ҳай майли, ният қилгандир-да, деб қўя қолдик.

Айниқса, ўтган йили ўғли Ихтиёрнинг тўйи жуда дабдаба билан ўтди. Никоҳ олдида келин ва дугоналарини машинада айлантиришининг ўзига йигирматадан ортик бир хил русумдаги, қора рангли автомобиль қаторлаштириб қўйилди. Кейин су-

риштирсак, битта машинанинг ўзи 2 соатга салкам ярим кўйнинг баҳосида ижарага олинган экан.

Кўёв томон қорнай-сурнайлар билан келинни олиб кетишгач, тўйхонача ош бериларди. Лекин бу хонадонга эртасига ҳам чиқимма тўри келди...

Ишдан кечроқ қайтиб, кўча борининг транспортдан тушсам, кўшнинг дарвозаси олдида тумонат одам. Тўйнинг ғалваси кўп-да, дея секин ўтиб кетмоқчи эдим, қўлоғимга йиғи-сиги эшитилди. Эйтибор қаратсам, тўй ўрнига аза бўляпти. Уйда аёллардан билдим, Иномжон ака тўсатдан вафот эттибди. Эртага бу хонадонда чакирди бўлиши, яъни янги кўёв бир гуруҳ ўқулари билан келиши лозим эди. Яна юз-юз эллик киши тўланади. Кўёв навкарлар учун алоҳида, хотин-халаж учун алоҳида тўкин дастурхон тўзалади. Биринчи, иккинчи, учинчи овқат дегандай. Хул-

лас, чиқим устига чиқим.

Тўй соҳибининг ўзи яқин ўртоғининг машинасида бирга бозорга йўл олишган. Қўлида узундан-узок рўйхат. Ҳамроҳининг таъкидлашича, бироз жигибирон экан. Қўтилимаган сарфлар олдида асосийлашган. Шу аснода қўл телефони жиринглаб, яна бир қанча каму кўст буюртма қилинади. Иномжон аканинг ўнг қўлидаги телефон тушиб, секин-аста юрагини пайпаслаган. Шу чоғда ўртоғи нима бўлганини ҳам пайқамай қўлибди.

...Маъракалар ўтгач, марҳумнинг кийимларини тартибга солишадиганда, кастомининг ички чўнтағидан икки варақли ёзув топилибди. Уқиб қўришса, тўй харажатлари бунинг учун олинган қарзлар рўйхати экан...

Бу тўйдан кейинги томоша эмас, азага айланганини маҳаллодошлар хали хануз ёддан чиқаришмаган.

Филиаллар номи

Телефон рақамлари

| | |
|---------------------------|---------------|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 120-83-13 |
| Автотранспорт филиали | 371 120-39-95 |
| Шайхонтохур филиали | 371 140-39-36 |
| Юнусобод филиали | 371 221-80-67 |
| Сирғали филиали | 371 258-67-49 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 120-84-13 |
| Андижон вилоят филиали | 374 224-40-96 |
| Асака филиали | 374 233-13-69 |
| Фарҳод филиали | 374 226-97-53 |
| Фарғона вилояти филиали | 373 224-70-83 |
| Марғилон филиали | 373 237-12-37 |
| Олтиариқ филиали | 373 432-10-11 |
| Кўкон филиали | 373 552-61-04 |
| Наманган вилоят филиали | 369 226-94-75 |
| Навоий вилоят филиали | 436 223-54-32 |
| Зарафшон филиали | 436 573-18-78 |
| Бухоро вилоят филиали | 365 223-71-94 |
| Бухоро шаҳар филиали | 365 770-11-27 |
| Самарқанд вилоят филиали | 366 231-08-86 |
| Афросиёб филиали | 366 221-77-56 |
| Қашқадарё вилоят филиали | 375 221-12-93 |
| Сурхондарё вилоят филиали | 376 770-82-12 |
| Қорақалпоғистон филиали | 361 770-60-59 |
| Хоразм вилоят филиали | 362 226-97-78 |
| Сирдарё вилоят филиали | 367 225-44-03 |
| Жиззах вилоят филиали | 372 226-43-11 |

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади!

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

«Асака» банк —
сармоянгиз
сақланишини
ва қўпайишини
кафолатлайди!

Хизматлар лицензияланган.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Самарқанд вилояти бўлими бошқаруви Самарқанд тумани «Бўзи» маҳалла фуқаролар йиғини собик раиси Боймат БАДАЛОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия билдиради.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Самарқанд вилояти бўлими бошқаруви Самарқанд тумани «Қорсув» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Мафиза РОЗИКОВАнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг яқинларига ҳамдардлик билдиради.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Навоий вилояти Хатирчи тумани бўлини масжиди «Тасмачи» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Илмиямин Камолова отаси ТОШТЕМИР бобонинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.



Mahalla

ижтимоий-сиёсий, иқтисодий,
маданий, маърифий газета

Муассис: Ўзбекистон
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди
республика бошқаруви

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва
ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда
0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар:

Қабулхона: 233-39-89, Котибият: 233-44-25, Фуқаролик жамияти институтилари билан ишлаш бўлими: 199-84-32, Иқтисодиёт ва ҳуқуқ бўлими: 199-83-46, Маънавият ва спорт бўлими: 199-84-23, Факс: 233-10-73

Нашр кўрсаткичи: 148



ISSN 2010-7013

25300 нусхада чоп этилди. Буюртма J-9217

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди. Формати — А-2, 4 босма табоқ.

Саҳифаловчи: Л.Мейликлов
Мусаҳҳиҳ: Н.Азимова
Навбатчи: Т.Низомов
Нашр навбатчиси: Ф.Эсонов

Топшириш вақти — 21.⁰⁰

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Индекс: 100083

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили:

Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Топширилди — 21.⁰⁰



ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ — МУҲОКАМАДА

Муқаммал ҳуқуқий асос — самарали фаолият омили



■ Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

< [1]

Лойиҳанинг янада такомиллаштиришда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоат назоратининг ҳар томонлама кучайтирилишига замин туғдилади. Шунингдек, фуқаролар мурожаат-

ларини вақтида қаноатлантирмаслик, тадбиркорлик фаолиятига қўйилган сунъий тўсиқларга барҳам бериш ҳамда тарққитишга ғов бўлаётган яна кўп қабатли муаммоларнинг олдини олади.

— Қонунларни билмаслик ёки уларга итоат этмаслик де-

мократик ҳаётнинг таъминини таъминлаш, — дейди Чилонзор туманидаги «Бешёғоч» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, юридик фанлари номзоди Вилот Худойбердиева. — Шу боис аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш бирламчи вазифа. Айниқса, янги

қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларнинг пишиқ-пухталигини таъминлашга ҳар бир фуқаро ўз ҳиссасини қўйиши зарур. Шу мақсадда мазкур қонун лойиҳасининг 13-моддасидаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат органлари ва уларнинг мансбдор шахслари фаолияти устидан, уларнинг тегишли ҳудуддаги фаолиятига оид масалалар бўйича «Мунтазам» жамоатчилик назоратини амалга оширадиган» жумласига остига қўйилган сўзни қўйишни тақриф қиламан.

Шунингдек, муқомалар жараёнида лойиҳанинг 15-моддасидаги «Қасба уюшмалари ва ходимларнинг бошқа вакиллик органлари давлат органлари ва уларнинг мансбдор шахслари фаолияти устидан улар томонидан фуқароларнинг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига риоя этилиши юзасидан жамоатчилик назоратини амалга оширадиган» жумласига ҳам қонуний сўзини қўйишни тақриф илгари сурди.

Олмасор туманидаги «Эски

шаҳар» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳибаси Иноят Абдусаттова қонун лойиҳасининг 23-моддасида боён этилган «Жамоатчилик назорати субъектлари жисмоний ва юридик шахслар манфаатлари-ни ҳимоя қилиш мақсадида» давлат органларига қонунда белгиланган тартибда ариза, шикоят ва тақлифлар билан мурожаат қилишлари мумкин» жумласига остига қўйилган сўзларни қўйишни тақриф қилди.

Қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти, ундаги ҳуқуқий нормаларга жамоатчилик томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар атрофида таҳлил қилиниб, бошқаруш органларига тақдим этилаётган.

Хуллас, муқомалар жараёнида «адолат тарозиси», дея эътироф этилган жамоатчилик назоратининг механизми янада лойиҳа асосида янада такомиллашяпти. Натижада муаммоларни етти ўлчаб, бир кесилинган ҳуқуқий асоси шаклланимда.

ҚОНУН ИЖРОСИ

Тарбия — ҳар доим долзарб ва барча масъул

< [1]

Фонд республика бошқаруви маълумотларига кўра, ўтган йилнинг ўзига ўрта махсус касб-хунар таълим билим берувчи бўлими бўйича 211250 нафар касб-хунар коллежалари битирувчисини давлат ва жамоат ташкилотларининг мавжуд ички меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланган ҳолда бандлигини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиб бораётган фаолиятни мониторингдан ўтказишда кўмаклашигани мазкур қонун талабларига мосдир.

— «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисидаги қонун талаблари 35648 нафар ота-онага тушунтирилиб, улардан 19547 та қаролат хатлари олинди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви бош мутахассиси А.Зоҳидов. — Бу ишлар яхши самара бераётган. Жумладан, умумтаълим мактабларини томонлаганларни таълимнинг кейинги босқичига қамраб олиш, касб-хунар коллежалар ва академик лицей ўқувчилари давлати ҳамда битирувчилар бандли-

гини таъминлаш бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш мақсадида Янгийўл туманидаги «Қирсадак» маҳалла фуқаролар йиғини мисолида намунали дафтар лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Фуқаролар йиғинларида юритилган мазкур дафтар туман (шаҳар) вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия раиси, ички ишлар бошқармаси бошлиғи, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлими раислари томонидан имзолашиб, назоратга олинши белгиланди.

Юқорида номи қайд этилган қонуннинг 19-моддасида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва назорат нотижорат ташкилотларининг иштироки мустаҳкамланган. Маҳалла фуқаролар йиғинлари масъуллари ушбу талабларни изчиллик билан бажариб, ўз ваколатлари доирасида вояга етмаганларнинг маънавий, ахлоқий, ҳуқуқий, эстетик, жисмоний, меҳнат тарбиясида иштирок этиб, уларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга кўмаклашиб келаятгани эътирофга лойик.

ФАОЛЛАР ҲАЁТИ

Машғулотлар ваколат ва вазифалар кўламига мос



■ Х.АРАББОВ олган сурат.

< [1]

— Машғулотлар фуқаролар йиғинлари раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, масъул котиблар, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси раҳбарларининг билим салоҳияти, малакаси ва иш тажрибасини оширишни кўзда тутиб, — дейди Фонднинг Андижон вилояти бўлими бошқаруви раиси Икромиддин Валиев. — Шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари, Фонд бўлинмалари гуруҳларни шакллантиришда қандайдир ёрдам берадилар.

Ёшларни қасбга йўналтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолини манзилли қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий фаоли-

МАСЪУЛ КОТИБ МАЪСУЛИЯТИ

Кундалик иш тартиби одамлар ҳаёти ва тақдирига дахлдор

Мамлакатимизда «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» таъминлаш асосида фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

■ Фарҳод ЭСОНОВ
«Mahalla»

Мазкур янгиланишлар намунаси ва фаол иштирокчиси сифатида ҳалқимизнинг бой тарихий тажрибаларининг узвий ифодасига айланган ноёб бошқарув тизими — маҳалланинг нуфузи ҳам тобора ортиб бораётган.

— Тўрт мингдан зиёд аҳоли, 910 та хондон, мингдан ортиқ оилани жамлаган йиғинимизнинг ўзига яроша қувончу ташвишлари бор, — дейди Навоий вилояти Қармана туманидаги Вилот Ориф Деггароний номи маҳалла фуқаролар йиғини масъул котиби Хикоят Толипова. — Кунлик иш тартибимиз маҳалла идорасига етиб келгунга қадар йўл-йўлаккай маҳалладошларнинг маслаҳатли йўл-фикрларини эшитишдан бошланади.

Ҳозир маҳалла масъул котибининг масъулияти катта, вазифаси кўп. Эрталабдан идора эшиги олдида ўқиш ёки ишга тавсифнома, кредит ва бошқа имтиёзлар учун қаролат хати олиш истагидига маҳалладошлар тўпланади. Одамлар тақдир ва ҳаётга бевосита дахлдор ишлар кўламининг ортаётгани тизимда олиб борилаётган ислохотлар самарасидан далолат.

Зиммасидаги вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида туман хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ижтимоий шериклик олоқалари йўлга қўйил-

ган. Банклардан 4 нафар фуқарога имтиёзли кредит олишда ёрдамлашилгани, натижада йиғинда тикув чеҳи, аёллар ва эркаклар сарторошхоналари ишга туширилиб, 10 га яқин ёш доимий меҳнатга жалб этилгани ана шу ҳамкорликнинг ёрқин тасдиғидир.

— Узоқ йиллардан буён маҳалла тизимида ишлаётганим боис ҳар бир фуқаронинг оилавий шароити, хулқ-атвори яхши билан, — дейди Х.Толипова. — Бу ҳужжатлар ёзишда қўл келади. Зиммамиздаги вазифалар кўлами кенгайиб бормоқда. Хорижга ишлаш учун кетаётган фуқароларнинг маълумот дафтарларини юритиш ҳам «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузил-

маси раҳбари билан бирга масъул котиб зиммасида. Қабул қилинган қонун ва қонуности ҳужжатлар тарғиботи ҳам бизга алоҳида масъулият юклямоқда.

Ижтимоий нафақаларнинг алоҳида маълумот дафтарларини юритиш масъул котиб зиммасида. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 февралдаги «Ком таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида» Низомни тасдиқлаш ҳақида» қарорига мувофиқ айни вақтда 2 ёшгача бола парвариши ҳамда 14 ёшгача вояга етмаган фарзандлари учун нафақа пуллари тўланмоқда. Ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар мазмун-моҳиятидан Х.Толипованинг яхши хабардорлиги аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида адолат ва қонунийлик таъминлашда устуворлигини таъминлашда қўл келмоқда.



ЙИГИНЛАР ҲАЁТИДАН

Ўзгаришлар талаб ва қоидаларга мувофиқ

Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори асосида пойтахтимиздаги айрим маҳаллаларнинг ҳудудий чегараларини қайта қўриб чиқиш тўғрисидаги Чилонзор ва Юнусобод тумани ҳокимликлари ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви мурожаатларига биноан Чилонзор туманидаги «Бешёғоч» ҳамда Фафур Фулом номи маҳаллалар ҳудуди бириштирилди. Шу муносабат билан Фафур Фулом номидаги маҳалла муътадилди.

■ Толибжон НИЗОМОВ
«Mahalla»

— Бунинг асосий сабаби унинг ҳудудида 500 тадан кам оила истиқомат қиларди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Чилонзор тумани бўлими раиси Давронбек Раҳимбеков. — Вазирлар Маҳкама-

сининг 1996 йил 10 декабрдаги «Боли оилаларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорига маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва масъул котибларига маҳаллий бюджет-дани асосида ҳудудда камда 500 та оила яшайдиган маҳаллаларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими жорий этилди.

Шунингдек, Юртбошимиз-

нинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони асосида ҳудудда камда 500 та оила яшайдиган маҳаллаларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими жорий этилди.

Эътибор беринг, ҳудудда камда 500 та оила бўлган маҳалланинг раис ва масъул котибга белгиланган тартибда маҳалла асосида ҳудудда камда 500 та оила яшайдиган маҳаллаларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими жорий этилади.

Фафур Фулом номидаги маҳалла ҳудудида 500 тадан кам

оила истиқомат қилгани боис йиғин раиси ва масъул котибга белгиланган тартибда маош ажратилмаган. Қоловерса, маҳалла аҳолиси, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, миллий урф-одат ва анъаналаримизни кенг тарғиб қилиш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш ҳамда миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш ишларини тизимли равишда амалга оширадиган масъул котибга белгиланган тартибда маҳалла асосида ҳудудда камда 500 та оила яшайдиган маҳаллаларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими жорий этилади.

Шу муносабат билан пойтахтимиздаги Фафур Фулом номидаги маҳалла «Бешёғоч» фуқаролар йиғинига қўшиб юборилди. Шаҳар ҳокимининг қарори асосида, шунингдек, Чилонзор

туманидаги «Шарқ тонги» маҳалласи ҳудуди ёндош «Шараф» ҳамда Юнусобод туманидаги «Оққўрғон» қўшини «Обод» маҳалласи ҳисобига кенгайтирилиб, тегишли ташкилотлар томонидан уларнинг тўлиқ шаклланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Қонунларда белгиланган меъёрлар билан таъинлаш мақсадида аҳоли ўртасида тушуналиқ ишлари олиб борилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги қонуннинг 10-моддасига мувофиқ, аҳоли пунктларининг тарихий қисмлари (маҳаллалар, шоҳқўчалар, кўчалар, майдонлар, боғлар, хиёбонлар)га ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш фуқароларнинг

ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг илтимосномалари асосида туманлар, шаҳарлар ҳокимлари киритган тақлифга кўра ҳалқ депутатлари туманлар, шаҳарлар Кенгашилари томонидан амалга оширилиши қайд этилган.

Шунга мувофиқ, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши қарори билан пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги Ғ.Абдуллоев номи фуқаролар йиғини мазкур қарор асосида «Анорзор» деб аталадиган бўлди.

Бир сўз билан айтганда, юртимизда кучли фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнида қонунийлик меъёрига тўла жавоб берадиган фуқаролар йиғинлари шаклланиётгани муҳим аҳамият касб этади.

ФОНД КЎМАГИДА

Эзгу амал давомийлик касб этган



< [1]

Бундан ташқари, кам таъминланган оилалар фарзандларининг никоҳ тўйларини ўтказиш ва уларга қулай турмуш шароити яратиб бериш ҳам доимий эътиборда. Ўтган йили бўлима томонидан 5 та кам таъминланган хондон вакилларининг никоҳ тўйларини ўтказишга кўмаклашиб, уларга 1 миллион 800 минг сўмлик маолий техника воситалари ҳада қилинди.

— Бўлимимизга келиб тушаётган мурожаатларни ўз вақтида қаноатлантиришга ҳаракат қиламиз, — дейди Фонднинг Эллиққоля тумани бўлими раиси Дилбар Шарипова. — 2013 йилда бизга 67 та ариза тушди. Шулар асосида 65 нафар фуқарога 9 миллион 410 минг сўм миқдорда моддий ёрдам ажратилди. Қиш мавсумини ортиқча қийинчиликсиз ўтказиш учун ҳудуддаги «Коинот» ва «Думанқалъа» маҳаллаларида яшовчи 20 та кам таъминланган оилаларга 20 тонна кўмир етказиб берилди. Бу-

нинг учун 2 миллион 220 минг сўм маблағ ажратилди.

Бўлима томонидан 3 та оиланинг аризасига асосланиб, тураржойларини таъмирлашга кўмаклашиш мақсадида уларнинг ҳар бирига 500 мингдан 1 ярим миллион сўмгача моддий ёрдам берилган. Бундан ташқари, байрамлар, муҳим саналар орасида уруш ва меҳнат фахрийлари ҳамда яқини кўриш қариялар, ногирон ва боқувчисини йўқотган оилаларнинг ҳолидан хабар олинди, уларга совғалар тарқатилди. Бу тadbирларга бўлима томонидан 14 миллион сўм ажратилди.

Ўтган йили кам таъминланган, кўп болали, боқувчисини йўқотган эҳтиёжманд оилаларнинг шароити ўрганилиб, 5 тасига бир бошдан қарамол олиб берилди. Ушбу мақсадларга 6 миллион 600 минг сўм маблағ сарфланди.

Ҳа, Фонд томонидан амалга оширилган хайри ишлар рўзгорлар бутлигини таъминлаб, аҳолининг эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамламоқда.

МАҲАЛЛА ГУЗАРИ

Қишлоқларда шаҳардагидек

Барча қулайликларга эга фуқаролар йиғини идораларини, гузарларни нафақат пойтахтимиз, туман ва шаҳар марказларида, балки юртимизнинг чекка қишлоқларида ҳам учратиш мумкин.

Тошкент вилояти Паркент туманидаги Ҳисорак қишлоқ фуқаролар йиғини ҳомий ташкилотлар, тадбиркорлар кўмағида қайтадан таъмирланди. Шунингдек, ҳудуддаги «Теман», «Кўёш», «Юқори» ҳамда «Қумушқон» маҳаллалари идоралари ҳам замонавий мажмуаларда жойлашган.

— Маҳалламиз идораларида тизим ходимлари учун барча қулайликлар мавжуд, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Акбар Мўминов. — Хоналар зарур жиҳозлар, ўқув-қўлланмалар, адабиётлар, тегишли ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар билан таъминланган.

МИЛЛИЙ ҲУНАРМАНДИЛИК

Каштадаги ёрқин ранглар — қалбнинг қўри, кўзнинг нури



ЎзА сурати.

Бугунги тадбиркор марке-
тинг ҳақида бош қотириши му-
ҳим. Ю.Мамадиёрова маҳсулот-
ларни сотишнинг янги усулларини
ўйлади. Бунда хоржий тилни
яқши билиши қўл келди.

натижасида «Ўстоз-шоғирд» мак-
таби йўлга қўйилди. Унга асо-
сан касб-ҳунар коллежи ўқувчи-
лари ҳамда доимий иш билан
банд бўлмаган аёллар жалб
этилди. Айни пайтда мазкур мак-
таб 7 та касб-ҳунар коллежи билан
шартнома асосида фаолият
олиб бормоқда. Бундан ташка-
ри, ҳунарманд гилам тўқиш ва
тикув җеҳини ишга туширди. 20
га яқин хотин-қиз касаночилик

асосида иш билан таъминланди.
Бугун Ю.Мамадиёрованинг
500 дан зиёд шоғирди бор. Фу-
қаролар йиғини таркибидоги 9 та
қишлоқ хотин-қизлари «Шаҳри-
сабз ироқи каштачилиги» масъу-
лияти чекланган жамиятининг
азъоси. Маҳсулотларга ҳунар-
мандчилик дўконлари, буюртма-
чилар томонидан талаб катта.

ёрова. — Биз бугунги кунда
йўқолиб бораётган каштачилик
турлари, тиқиш услуби ва ранг-
лар жилосини тиклашга ҳара-
кат қиляпмиз. Миллийликни за-
монавийликка уйғунлаштириш
ҳолда буюмлар тиқишга алоҳи-
да эътибор қаратяпмиз.

Дарҳақиқат, Шаҳрисабз
кашталарининг ранглари ёрқин,
бир-бирига ҳамоҳанг ва таби-
ий. Ироқи усулда тикилган чо-
пон, дўппи, маҳси, нимча, кам-
зул, ҳамён, бужома ва сумка-
лар сайёҳларнинг ҳайратини
янада ошироқда. Жумладан,
парижлик сайёҳ Мария Фран-
цуз ана шундай қўл меҳнати
намуналарига иштиёқмандлиги
боис «Ўстоз-шоғирд» мактаби-
га ташриф буюриб, бир ой мо-
байнида ҳунармандларнинг
ишини ўрганди. Бир қанча ли-
босларни буюртма асосида ҳа-
рид қилди.

— Юлдуз Мамадиёрованинг
ташаббуси билан аёлларимиз-
нинг ақсарияти ишли бўлди, —
дейди Мўминобод қишлоқ фуқа-
ролар йиғини раиси Нодир Шоҳ-
доров. — Улар фарзанд тар-
биялаш билан биргаликда бу-
юртмаларни тикиб, оиласига

қўшимча даромад келтиряпти. 15
нафар касаначи хотин-қизга меҳ-
нат дафтараши очилди. Яқинда
Авазмалик қишлоғидан яна 10
нафар аёл касаначи сифатида
иш бошлади. Қолаверса, бу
ерда хотин-қизларга бепул ҳунар
ўргатилиб, уларнинг мустақил
фаолият юритишларига кўмак
ҳам берилмоқда. Шанбе қишло-
ғида яшовчи опа-сингил Фаёза
ва Умида Файзиёвалар мазкур
мактабда ҳунар ўрганиб, энди-
ликда ўзлари 20 дан ортиқ қизга
устозлик қиляптилар.

Президентимизнинг 2013 йил-
да мамлакатимизни ижтимоий-
иқтисодий ривожлантириш ақсу-
лари ва 2014 йилга мўлжаллан-
ган иқтисодий дастурнинг энг му-
ҳим устувор йўналишларига ба-
ғишланган Вазирлар Маҳкамаси-
нинг мажлисидаги маърузаси-
да тадбиркорларга маҳаллий ва
хоржий инвестицияларни кенг
жалб этиш учун зарур шаро-
ит ва қўлай муҳит яратиш бо-
расида билдирган фикрлари
Ю.Мамадиёрова каби ҳунар-
манд-тадбиркорларга қанот
бағишлади. Айни пайтда у маҳ-
сулотларни хоржиға экспорт
қилиш ҳаракатида.

ЭЙ, СИЗ ОДАМЛАР, ЭСИЗ ОДАМЛАР...

Манзил ва мақсадига етолмади

Жиноий гуруҳнинг дастлабки ўлжаси салмоғи
чаққи бўлмади. Улар Сирдарё вилояти Оқолтин
тумани Сардоба шаҳарчаси Гафур Гулом номи-
даги маҳаллада жойлашган боннинг арпадан бўша-
ган майдонида боғлиқ ҳолда турган 11 бош қора-
молни бирийла гум қилишди. Фуқаро А.Каржа-
вов бир кечада 15 миллион сўмлик молларидан
айрилганига куйиб қолаверди.

Акмал ҚОДИРОВ,
ИИВ ЖҚ ва ТҚКББ матбуот
котиби, капитан.

Бир тунда миллионерга айланиш завқини туйган
гуруҳ аъзолари қилган ишларидан хурсанд бў-
лишди. Пича «сувнинг тинишини» куттиши ва
орадан икки ойча ўтгач, навбатдоги жиноятга қўл
уришди. Уларнинг нишонига тушган бу галги жабр-
ланувчи юқорида номи қайд этилган шаҳарчининг
С.Раҳимов номидаги маҳалласи Мирзо Улугбек кўча-
си 9-ўй 2-хонадонда яшовчи А.Исмоилов бўлди.
Унинг молхонасидан жами баҳоси 5 миллион сўмлик
моллар ўйрилб кетилди. Албатта, қўлга киритил-
ган бу «муваффақият» тўрт-беш киши(улар орасида
вояга етмаганлар ҳам бор)дан иборат, бунинг ус-
тига ёш жавдон бош бўлган кичик бир гуруҳ учун
катта натижа эди.
Аммо жиноий гуруҳнинг «парвози» у қадар
узқоққа бормасди. Халқона тилда айтганда, кўза
кунда синди.

Охириги «кишдан» роппа-росса бир ой ўтиб, «тунги
бўришлар» яна овга чиқти. Уларнинг мақсоди Сар-
доба шаҳарчаси ҳудудидаги «Замин» фермер хўжа-
лиғига қарашли дала майдонида жойлашган қўрани
шипшийдан қилиш эди. Гуруҳ аъзоларининг «саъй-
ҳаракатлари» билан қўрага гайриқонуний равишда
кирилиб, у ердан жами баҳоси 6 миллион сўмлик 3
бош қорамол ўйриланди ҳам. Бироқ бу ишнинг
бир қисми эди, холос. Унинг иккинчи ва асосий қисми
эса амалга ошмай қолди.

Фуқаро Ў.Бекқўлов бошқарувидаги «Зил-130»
русумли 20 Қ 294 ВА давлат рақами юк машина-
сига ортилган қорамоллар қўзланган манзилга ет-
мади. Ҳайдовчи ортига тисарилиб, «эгалларидан» хур-
киб турган жониворларнинг ўйрилганини гумон
қилиб адашмаганди. У молларни келишилган ман-
зилга етказиб беришдан бош тортиди. Қутилмаган-
да ҳайдовчининг шубҳаланганидан диққати ошган
жиноий гуруҳ аъзолари учун сичқоннинг ини минг
танга бўлиб қолди. Улар молларни ташлаб, ура
қочишди. Жониворлар эгасига, фуқаро Ш.Мамад-
ёровага қайтарилди.

Бу ёни нима бўлди, дерсиз. Албатта, тезкор су-
риштирувлар натижасида 1988 йилда туғилган, Оқол-
тин тумани Сардоба шаҳарчасида яшовчи, муқад-
дам судланган Лобар Аминқўлова (исм-шарифи ўзгар-
тирилган) етакчилигидаги гуруҳнинг барча аъзолари
қўлга олинди. Улар қилмишларига яраша жиноий
жавобгарликка тортилдилар. Бироқ шу ўринда бош-
қа бир қанча совол туғилади. Наҳотки, кичик бир
ҳудудда қисқа муддатда аёл киши етакчилигида жи-
ноий гуруҳ шакллантирилса-ю, бундан маҳалла-қўй,
фаоллар беҳабор қолса? Ҳаётнинг аччиқ-чучугини
татиб-татиммаган ёш йилгиларнинг оёқ олишлари
ўзгарганида «Маҳалла посбони» жамоатчилиги ту-
зилмаси сардорининг, унга эш бўлган посбонлар-
нинг кўзи қоғда эди? Наҳотки, бир маҳалла, бир
шаҳарча микросида уч ойнинг нари-берисида учта
йирик ўрлик содир этилса-ю, бундан ҳеч ким таш-
вишга тушмаса? Саволлар кўп, бироқ уларга жа-
вобни ким беради?

Ҳушёрлик йўқолган, лоқайдлик илдиз отган жой-
да иллатлар урчиши шубҳасиз. Ана шундан огоҳ
бўлайлик!

ХУШҲАБАР

Замонавий агрошаҳарча

Когон тумани Тутқунда қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида-
ги 35 гектар майдонда замонавий агрошаҳарча қад ростлади.

Н.ЮНУСОВА
«Mahalla»

Бу ерда «Бухоро Файз транс»
МЧЖ ва «Иброҳим Назар»
фермер хўжалиги сингари 23 та
тадбиркорлик субъекти ўзининг ис-
сиқхона хўжалигини барпо этди.
— Агрошаҳарча учун айнан шу
ернинг танлангани беҳиз эмас, —
дейди тадбиркор Ўткир Ҳамроев.
— Иссиқхона хўжалигини зарур
харорат билан таъминлашга
масъул «Энергомарказ» корхона-

си мазкур ҳудудга яқин ерда жой-
лашган. Бу ёнигилиги тежаш, маҳ-
сулот таннорини арзонлаштириш
имконини беради. Биз ҳам бир
гектар майдонда иссиқхона таш-
кил этдик. Бу лойиҳани рўёбга чи-
қаришда банк томонидан ажра-
тилган 100 миллион сўм миқдори-
даги кредит маблағи қўл келди.
Қишлоқдаги агрошаҳарчада
ҳар гектар майдондан ўртача
ўттиз тоннадан помидор ва бод-
ринг олиш, маҳсулотнинг асосий
қисмини экспортга йўналтириш
мўлжалланмоқда.



Чиқиндидан тайёр хомашё

Кичик бизнес тараққийига кенг имкониятлар берилаёт-
гани турли йўналишдаги ишлаб чиқариш корхоналарининг
фаолият бошлаши, ички бозорларимизни сифатли ва ҳамён-
бон маҳаллий маҳсулотлар билан тўлдириш имконини берди.

Ю.ҲОЖИЕВА
«Mahalla»

Галлаорол туманида янги иш
бошлаган корхона маҳсулотлар-
и ҳам мутлақо ўзгачалиги, қатор
хўсусиятларга эгаллиги билан тез-

да харидорини топди.
— Автомашиналарнинг кўпайиб
бораётгани мамлакат иқтисодий
қудратидан далолатдир, — дейди
корхона раҳбари Шўҳрат Абду-
саломов. — Бироқ автоуловлар
қанчалик кўпайса, атроф-муҳитга
шунчалик кўп чиқинди тўпланади.

Корхонамизнинг асосий йўналиши
— автомобиль шинларини қайта
ишлашдан иборат. Маҳсулотимиз
— резина парчалари йўл қурили-
шида хомашё сифатида ишлатил-
гани боис буюртмачиларимиз ҳам
ортиб бормоқда.

Дарвоқе, резина асфальтлаш-
тиришда ўзига хос асфалликлар-
га эга. Бундай қоримша қўшилган
асфальт йўллар ўта совуқ ва иссиқ
хароратга чидамли бўлиб, ас-
фальтнинг тезда ёрилиб кетиш
хавфи ҳам қамаяди.



Автобус портлатилди

Мисрнинг Исроил билан чегара ҳудудида террорчи-ҳудкуш сай-
ёҳлар ўтирган автобусни портлатиб юборди.



«Agence France-Presse»-нинг маъ-
лум қилишича, Табе постда ўрнатил-

ган видеокамера ёзувларида номаъ-
лум кимсанинг автобусга чиққани
ҳамда кўп ўтмай портлаш содир
бўлгани ақс этган. Уч нафар сайёҳ
ва мисрлик ҳайдовчи воқеа жойида
ҳаётдан кўз юмган. Яна ўн киши жа-
роҳатланган.

Жанубий корейлик сайёҳларнинг
Яқин Шарққа келишдан мақсад Миср,
Исроил ва Туркиядаги муқаддас
қадамжоларни зиёрат қилиш бўлган.

Шартнома бажарилди

Жанубий Корейнинг «Korea Aerospace Industries» компанияси Индо-
незияга «Т-50I Golden Eagle» русумли ўқув самолётлари етказиб бе-
ришни тугаллади.



Сўнги дафъа буюртмачига 6 та
учиш аппарати тақдим этилди. Улар-

ни Индонезия ҳарбий ҳаво кучлари
таркибига қабул қилинишига бағиш-
ланган тантанали маросим Жакар-
тадаги «Халим Перданакусума» аэро-
портида ўтказилди. Унда мамлакат
президенти иштирок этди.

Баҳоси 400 миллион АҚШ доллар-
лиқ шартнома 2011 йил май ойи
сўнгида имзоланганди. «Т-50» тезлиги-
ни соатига 1,7 миң километргача оши-
ра олади. Унинг парвози масофаси
1,9 миң километрни ташкил этади.

Навбатдаги синов

Шимолий Корея узоқ масофага мўлжалланган янги баллистик
ракеталар учун двигателларни синовдан ўтказган.

«ННҚ»нинг маълум қилишича, синов
маблакат шимолий-ғарбидаги Тончхан-ри
полигонда ташкил этилган. Мазкур ра-
кета двигателидан, чамаси, КН-08 китъ-
апароро баллистик ракеталарини ет-

казиб беришда фойдаланилади. Ҳисоб-
китобларга кўра, бу олтинчи синовдир.

Шунингдек, Шимолий Корея ўт
олдириш майдончаси баланглигини
ҳам 37 метрдан 52 метрга етказган.

Интернет материаллари асосида М.ЖўРАҚУЛОВ тайёрлади.

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага
оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш
департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси хусусий тадбиркорлик субъект-
лари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш ва уларга амалий ёрдам бериш мақсади-
да ташкил қилинган бошқарма ва туман бўлимларининг ишонч телефонларини
маълум қилади.

Table with 3 columns: №, Бошқарма ва туман бўлимлари, Ишонч телефони рақамлари. Lists various districts and their contact numbers.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Advertisement for Infin BANK. Includes the bank logo, website URL (Magbirkor.uz), and text describing services and contact information for branches in various districts.